O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV № 310309

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 31 март, № 66 (4729) Сешанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

«АГРОБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодиётнинг аграр секторини янада барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан чуқурлаштириб бориш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишловчи замонавий корхоналарни жадал барпо этиш, юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва ускуналарни татбиқ қилиш ҳамда ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришга йўналтирилган кенг турдаги банк хизматларини кўрсатиш мақсадида:

1. "Пахтабанк" акциядорлик тижорат банки акциядорларининг уни "Агробанк" акциядорлик тижорат банки этиб қайта ташкил қилиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилансинки, "Агробанк" АТБ очиқ турдаги акциядорлик жамияти шаклида ташкил қилинади ҳамда мулкий, молиявий ва бошқа мажбуриятлар бўйича, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари сақланиши ва ўз вақтида қайтарилишини кафолатловчи талаблар бўйича "Пахтабанк" АТБнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Қуйидагилар "Агробанк" АТБнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликларига кредит бериш ва комплекс тарздаги банк хизматлари кўрсатиш;

қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари, барча мулкчилик шаклидаги корхоналар, шу жумладан, пахта ва ғалла маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва сотишга ихтисослашган пахта тозалаш ва донни қайта ишлаш саноати корхоналарига кредит бериш ва молиялаштириш механизмларини изчил такомиллаштириб бориш;

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, агросаноат комплекси тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилашга, замонавий чет эл технологиялари ва ускуналарини жалб этишга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, шу асосда юқори сифатли, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш, ички истеъмол бозорини маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан барқарор тўлдириш;

банкнинг шахсий ресурсларини сафарбар қилиш, омонатлар ва депозитларнинг янги жозибадор турларини таклиф этиш йўли билан аҳоли ва корхоналарнинг маблағларини жалб қилиш, улардан самарали, шу жумладан, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда самарали фойдаланиш, қўйилган маблағлар ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини таъминлаш;

халқаро молия институтлари ва етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестициялари ва грантларини жалб этиб, кейинчалик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари ва республика иқтисодиёти агросаноат сектори корхоналарини ана шу маблағлар ҳисобига қайта молиялаштириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда "Агробанк" акциядорлик тижорат банкига банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш учун халқаро молия институтлари ва хорижий молия-кредит тузилмаларининг имтиёзли кредитлари, инвестиция ва грантларини жалб этишда ёрдам кўрсатсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда "Агробанк" АТБ Кенгашининг таркибини тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф. М. Муллажонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 30 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ қиёфасини ва қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини сифатли яхшилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, уй-жой қурилишини узоқ муддатли имтиёзли кредитлаш тизимини кенг жорий этиш мақсадида ҳамда тасдиқланган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига мувофиқ:

1. «Ғалла-банк» акциядорлик тижорат банки акциядорлари қарори ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Марказий банкининг:

«Ғалла-банк» акциядорлик тижорат банки негизида «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисидаги;

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки устав капиталини 150 миллиард сўм миқдорида шакллантириш, улушларни унинг акциядорлари орасида иловага мувофиқ тақсимлаш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Белгилансинки, «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки очиқ акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилади ҳамда мулкий, молиявий ва бошқа мажбуриятлар, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини сақлаш ҳамда ўз вақтида қайтаришни кафолатловчи талаблар бўйича «Ғалла-банк» акциядорлик тижорат банкининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

уй-жой-коммунал, ижтимоий соҳа ва қишлоқ аҳоли пунктларини ободонлаштириш борасидаги эҳтиёжларни амалга оширишда аҳоли ҳамда юридик шахсларга кредит бериш ва банк хизмати кўрсатиш;

қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш ҳамда таъмирлашни амалга оширадиган ихтисослаштирилган пудрат ташкилотларга кредит бериш ва лизинг хизматларини кўрсатиш;


янги, замонавий қурилиш материаллари ва конструкциялари ишлаб чиқарадиган, тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқда объектлар қуришнинг индустриал ва йиғма технологияларини жорий этадиган барча мулкчилик шаклидаги корхоналарга кредит бериш ва комплекс тарзда банк хизматларини кўрсатиш;

қишлоқ қиёфасини сифатли яхшилашни, қишлоқ жойларда муҳандислик ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва такомиллаштиришни, жумладан, йўллар, энергия ва сув таъминоти тизимлари, қишлоқ врачлик пунктлари, мактаблар, болалар спорти объектларини реконструкция қилиш, қишлоқ аҳоли пунктларини транспорт коммуникациялари, ичимлик суви, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси

(Давоми 2-бетда).

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР МАЙДОНИ

Кеча Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар ўртасида ўтказилаётган «Ташаббус — 2009» республика кўрик-танловининг якуний босқичи иш бошлади.



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

«Ташаббус — 2009»

Маълумки, Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, уларнинг илғор ғояларини амалиётга жорий этиш, энг асосийси, ташаббускор ишбилармонларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган мазкур кўрик-танлов шарофати туфайли ҳар йили юзлаб тадбиркорлар кашф этилиб, кўплаб ишлаб чиқариш субъектларининг пайдо бўлишига, мавжудларининг фаолият йўналишлари кенгайтирилишига пухта замин яратилаётир. Кейинги олти йил ичида кичик бизнес субъектлари миқдори 1,9 баробарга кўпайиб, 2008 йилда уларнинг сони 400 мингга етгани бунинг ёрқин далилидир.

Гап шундаки, хорижнинг энг замонавий технологиялари билан жиҳозланган ана шу корхоналарда бугун импорт ўрнини босувчи, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётир. Фақат якунланган йилнинг ўзида кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қарийб 22 фоизга ортиб, ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси 48,2 фоизни ташкил қилди. Мамлакатимизда иш билан банд бўлган аҳолининг 76 фоиздан зиёди мазкур соҳада меҳнат қилаётгани, айниқса, эътиборга лойиқдир.

«Ташаббус» кўрик-танловининг очилиш маросимида таъкидланганидек, у, айниқса, фермерларга қўшимча имкониятлар бераётир. Айни пайтда улар фақат деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб қолмасдан, ўзлари етиштирган маҳсулотларни қайта ишлашни йўлга қўйишгани аслида ушбу тадбирда орттирган тажрибаларининг самараси, десак, муболаға бўлмайди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН САККИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

28 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Парламент юқори палатаси аъзолари ялпи мажлиснинг иккинчи кунини «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар. Сенаторлар томонидан эътироф этилганидек, Қонун нормалари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни ҳозирги тамойилларни ҳисобга олган ҳолда тартибга солади. Киритилган ўзгартиш ҳамда қўшимчалар жиноий йўл билан топилган даромадларни қонуний тус бериб «ҳалоллаб олиш»га ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимининг самарадорлиги ҳамда амалий йўналишдаги ҳаракатчанлигини оширишга, мазкур тизим шу соҳадаги умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқий нормалар ҳамда стандартларга янада тўлиқроқ мувофиқлаштирилишини таъминлашга йўналтирилгандир. Айни бир вақтда киритилаётган ўзгартишлар қонун ҳужжатларини молиявий операциялар амалга оширилаётганда тадбиркорлик субъектларининг манфаатлари ишончли тарзда муҳофаза этилишини таъминлайдиган тарзда янада либераллаштириш учун шароитлар яратади. Қонунни сенаторлар маъқулладилар.

Шундан кейин сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида инвестицияларни либераллаштириш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимни (Тошкент, 2008 йил 15 август) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ҳамда маъқулладилар. Сўзга чиққан сенаторлар ушбу Қонунни қабул қилиш замирида 2008 йил 15 август куни Тошкент шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасида инвестицияларни либераллаштириш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимни ратификация қилиш мақсади мужассам эканлигини қайд этиб ўтдилар.

(Давоми 2-бетда).

Ислоҳотлардаги изчиллик – давр талаби

Хабарингиз бор, шу йилнинг 27-28 март кунлари пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Парламентимиз юқори палатаси аъзолари икки кун давомида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаёти учун долзарб аҳамиятга эга бўлган йигирмадан зиёд масалани кўриб чиқдилар. Муҳокама этилган масалаларнинг диққат марказида бугунги кунда дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этиш масаласи турди. Кун тартибида Инқирозга қарши чораларнинг 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъуллиги ҳақидаги масаланинг муҳокама этилганиёқ фикримизни яна бир карра тасдиқлайди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Нематилла **Баймуратов** Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси этиб сайлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **И. СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 28 март

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЛАЙЗИЯДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ВАЗИФАСИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Шукур Абдурахманович **Сабитов** Ўзбекистон Республикасининг Малайзиядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **И. СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 28 март

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТУРКМАНИСТОНДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ВАЗИФАСИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Шерзод Мирагламович **Файзиев** Ўзбекистон Республикасининг Туркманистондаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **И. СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 28 март

ЎЗБЕКИСТОН ХОРИЖИЙ ОАВ САҲИФАЛАРИДА

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг турли жабҳаларида кечаётган ўзгаришлар хорижий давлатлар газета ва журналларида ёритиб келинмоқда.

Дунё нигоҳи

Жумладан, Сингапурнинг **«The Entrepreneur's Digest»** газетасида «Ўзбекистон: қулай имкониятлар юрти» сарлавҳали мақола эълон қилиниб, унда ўқувчилар эътиборига бугунги Ўзбекистон ҳаётининг энг эътиборга молик жиҳатлари тўғрисидаги қизиқарли маълумотлар ҳавола этилади.

«Минг йиллар мобайнида Ўзбекистон турли цивилизациялар ривожланган ва гуллаб-яшнаган диёр бўлиб келган, — дейилади нашрда. — Кўп асрлар давомида ўзбек халқининг буюк намояндалари дунё фани ва маданияти тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келишган, санъат ва ҳунармандчилик усталарининг маҳорати эса бу юртнинг донғини бутун дунёга таратган».

«Ўзбекистон Шарқ билан Ғарбни, Шимол билан Жанубни боғлаб турган чорраҳада жойлашган, — дея давом эттирилади мақола. — Олис юртлардан келаётган карвонлар ҳордиқ чиқарадиган гўша бўлиш, бир-бирига қарама-қарши бўлган элатлар ўртасида тинчлик ўрнатиш ушбу заминнинг тақдирида ёзилган. Бу ернинг одамлари эса доимо сахий ва очиққўнгилликнинг андозаси ҳисобланган».

Ўзбекистоннинг бугунги ҳаёти ҳақида сўз юритиб, Сингапур нашри советлар давлати парчаланаётган бир паллада Ғарбнинг бир қатор сиёсатшунослари «Ўзбекистон сиёсий беқарорлик марказига айланади», дея башорат қилишганига эътибор қаратади. «Мамлакат раҳбариятининг оқилона ва ҳар томонлама теран ўйланган саъй-ҳаракатлари самараси ўлароқ, бу башоратлар ҳақиқатга айлангани йўқ, — дейилади газетада. — Ўзбекистон мустақил мамлакат сифатида бугунги кунда Марказий Осиёдаги ўз нуфузига эга бўлган энг барқарор давлат ҳисобланади.

Ўзбекистон, шунингдек, минтақанинг саноати жадал ривожланаётган етакчи мамлакатларидан биридир. У замонавий транспорт инфратузилмасига, ривожланган авиация қатновига эга. Мунтазам тўғридан-тўғри рейслар бугун Ўзбекистонни дунёнинг 40 дан ортиқ шаҳарлари билан боғлаб турибди, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси эса дунёнинг 24 та давлатида ўз ваколатхонасига эга».

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

объектлари, телекоммуникация тармоқлари билан таъминлашни назарда тутган ҳолда инвестиция фаолиятини олиб бориш, шунингдек, лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни молиялаштириш;

универсал тижорат банки сифатида юридик ва жисмоний шахсларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги бошқа комплекс банк хизматларини кўрсатиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкининг «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг ресурс базасини қуйидагилар ҳисобидан қўшимча шакллантириш манбалари борасидаги таклифлари қабул қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг йиллик 3 фоизли фоиз ставкаси бўйича ва 2010 йилда Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига аж ратмалар ҳисобидан 5 йил имтиёзли давр билан 170,0 миллиард сўмгача миқдорда камида 15 йил муддатга бериладиган мақсадли кредит линияси;

халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий молия-кредит тузилмаларининг мақсадли, узоқ муддатга мўлжалланган имтиёзли кредитлари, инвестициялари ҳамда грантлари;

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки томонидан қўшимча чиқариладиган акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни юридик ва жисмоний шахсларга сотишдан тушадиган маблағлар.

4. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан, шу жумладан, «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг устав капиталини шакллантириш учун ажратиладиган маблағлар тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилишини молиялаштиришга мақсадли тарзда йўналтирилади;

жисмоний шахсларга намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 50 фоизи миқдоридаги фоиз ставкаси билан энг кам иш ҳақининг 1000 баробаригача миқдорда 15 йил муддатгача кредитлар берилади;

лойиҳаларни банк томонидан бозор шартлари асосида жалб этилган маблағлар ҳисобидан молиялаштириш ҳамда бошқа банк хизматларини кўрсатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тижорат асосида амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш учун халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий молия-кредит тузилмаларининг имтиёзли кредитлари, инвестициялари ҳамда грантларини жалб этишда «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкига кўмак берсин.

6. «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки фойда ва мулк солиғи, шунингдек, олиб келинадиган банк жиҳозлари ва техникаси учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) 2012 йилнинг 1 январигача озод этилсин, бўшайдиган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг банк устав капиталидаги улушини кўпайтиришга мақсадли тарзда йўналтирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ўн кун муддатда «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки Кенгашининг шахсий таркибини ва филиал шохобчалари жойлашувини тасдиқласин;

бир ой муддатда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилишини кредитлаш тартибини тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф. М. Муллажонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 30 март



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН САККИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ушбу халқаро Битим иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий муносабатларни инвестицияларни кўпайтириш учун барқарор, тенг ҳуқуқли ва очиқ-ошкора шароитлар яратиш йўли билан мустаҳкамлаш мақсадида имзоланган. Битимда бир Тараф бошқа Тарафнинг инвесторларига ва инвестицияларига ўз инвесторларига ҳамда инвестицияларига яратиб берганидан қолишмайдиган қулай режимни яратиб бериши назарда тутилмоқда.

Сўнгра Сенат аъзолари Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2008 йилда давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари томонидан қонунларнинг ижро этилиши ҳолати тўғрисидаги ахборотини, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахборотни тингладилар.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда демократик жамиятнинг ҳуқуқий асосларини яратиш юзасидан собитқадам иш олиб борилмоқда, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Ана шу жараёнда адлия органларининг вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинглар ўтказиш йўли билан қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўлланиш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсати юритилишини таъминлаш борасидаги иши муҳим ўрин тутади.

Шу билан бирга, ўтказилган мониторинглар натижалари норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда уларни амалга киритиш юзасидан белгиланган тартиб қатъий айрим вазирликлар ва идоралар томонидан бузилаётганлиги ҳоллари ҳам мавжудлигидан, назорат идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тегишли таркибий бўлинмаларининг тадбиркорлик субъектлари қўллаб-қувватланишини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда уларнинг олдини олиш масалаларига оид фаолиятида муайян камчилик ва нуқсонлар ҳам борлигидан далолат беради.

Бош прокурорнинг ҳисоботида қайд этиб ўтилганидек, прокуратура органлари асосий эътиборни қонунларнинг ижроси устидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштиришга, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоялашга ҳамда уларнинг фаолиятига ғайриқонуний аралашув ҳолларини бартараф этишга, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтиришга, қишлоқ хўжалигида ҳамда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришга қарата чиқаришган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилиши устидан назоратни таъминлашга қаратилди. Фермерликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик ғов-тўсиқларни бартараф этиш, фермер хўжаликларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги ерларини қонунга хилоф равишда ажратиб бериш ва улардан ғайриқонуний фойдаланиш ҳолларини бартараф этиш ҳамда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тезкор ва тергов бўлинмаларининг одам савдоси билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш соҳасидаги фаолияти самарадорлигини оширишга, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари мансабдор шахсларининг жиноий қилмишлари пайини қирқиш ҳамда бундай қилмишларга чек қўйишга, судларда жиноят ишлари ҳамда фуқаролик ишлари, шунингдек, хўжалик низолари кўрилаётганда прокурорнинг ваколатлари самарали амалга оширилишига эришишга муҳим аҳамият берилди.

Сенаторлар Омбудсманнинг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқар эканлар, шуни алоҳида эътироф этдиларки, инсон ҳуқуқлари ишончли ҳимоя этилишини таъминлашда, фуқаролик жамияти сари изчил илгарилаб боришда, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг, шу жумладан, парламент Омбудсманининг ҳуқуқий мақомини ва моддий-техник базасини мустаҳкамлашда давлатимиз раҳбарининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида» ўтган йили чиқарилган Фармони алоҳида аҳамиятга эга бўлди, унинг қоидаларини амалга оширишга қаратилган ишлар эса Ўзбекистон ўз тараққиётининг танлаб олинган демократик йўлига содиқ эканлигининг яна бир тасдиғи бўлиб қолди.

Мажлис асносида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳам тингланди.

Муҳокама давомида сенаторлар Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ахборот-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини таъминлаш, мамлакатда экологик вазиятни соғломлаштириш борасидаги фаолияти кучайтирилиши зарурлигини таъкидладилар.

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимига мамлакатимиз Президенти томонидан тақдим этилган номзодни тасдиқладилар.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг Малайзиядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасига тайинлаш тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Туркманистондаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасига тайинлаш тўғрисидаги масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатига тааллуқли бошқа долзарб масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

Икки иш куни мобайнида мажлисда йигирма учта масала, шу жумладан, 13 та қонун кўриб чиқилди. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан 60 нафардан ортиқ сенатор сўзга чиқди.

Сўзга чиққан сенаторларнинг фикрича, маъқулланган қонунлар, муҳокама этилган масалалар юзасидан, шу жумладан, Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъуллиги хусусидаги масала юзасидан қабул қилинган қарорлар мамлакат иқтисодиёти ва аҳолиси жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг эҳтимолий салбий оқибатларидан ишончли тарзда ҳимоя этилишини таъминлаш, демократик, социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш, халқ фаровонлигини янада ошириш ишига қўшилган муҳим ҳисса бўлиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

Парламент ҳаёти

Парламент қуйи палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ташаббуси билан Сурхондарё вилоятининг Термиз ва Денов туманларида «Қишлоқ аҳолисига ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш масалалари: ҳуқуқий асослар ва тажриба» мавзуида семинарлар ташкил этилди.

ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ЗАРУРАТИ

У Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан қабул қилинган тадбирлар дастурини амалиётга татбиқ этиш ва қишлоқ аҳолисига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ишларини юксак савияда ташкил қилиш масалаларига бағишланди.

Йиғинда қайд этилганидек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳаётни янада демократлаштириш ва ҳуқуқий давлат асосларини шакллантириш мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг пировард мақсадидир. Шу боис истиқлол йилларида ҳуқуқий тизимимизда, энг аввало, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда уларнинг ҳуқуқий ёрдамга бўлган эҳтиёжларини таъминлашнинг қонуний асослари яратилди.

Айтиш жоизки, ҳар қандай ҳуқуқий-демократик жамиятда фуқаролар ўртасида турли хил келишмовчиликлар, зиддиятлар пайдо бўлиши эҳтимоли мавжуд. Бундай пайтларда уларга ҳуқуқий жиҳатдан ёрдам бериш, йўл-йўриқлар кўрсатиш зарур. Зеро, инсоннинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларига тегишли барча нормалар айнан ижтимоий адолатни ифодаловчи фуқаролик жамияти барпо этишга йўналтирилган қатор қонунларда мустаҳкамланган.

Семинарлар қатнашчилари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда бу борада қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда Юртбошимизнинг асарлари ва маърузалари мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тушунтириш, мамлакат парламенти томонидан қабул қилинган қонунларнинг моҳиятини ОАВда тарғиб қилишни кучайтириш лозимлигини таъкидлашди. Бундан ташқари, қуйи палатада кўриб чиқилаётган қонунлар лойиҳалари юзасидан фуқароларнинг таклифларини ўрганишни ташкил этиш, матбуотда ҳуқуқий йўналишда ёритиладиган мақолаларнинг содда, равон, тушунарли ёзилишига аҳамият бериш кераклигига эътибор қаратилди. Айни пайтда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари билан ОАВ ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, анжуманларда аҳолига ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш, уларни бугунги кун талаблари даражасида ташкил этиш бўйича тавсиялар, таклифлар берилди.

Ўз мухбиримиз.

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР МАЙДОНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дарҳақиқат, давлатимиз томонидан фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ва кўрсатилаётган доимий ғамхўрлик туфайли бундай субъектлар қишлоқ хўжалигида етакчи кучга айланди. Ўтган йили мамлакатимизда етиштирилган пахтанинг қарийб 100 фоизи, ғалланинг эса 79,2 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келгани, бундан ташқари, кўп миқдорда мева-чева, сабзавот-полиз, гўшт ва сут маҳсулотлари халқимиз дастурхонига тортиқ қилингани шундан далолат беради.

Соҳа мутахассисларининг айтишича, жорий йилда бу борадаги кўрсаткичлар кескин ошиши мўлжалланмоқда. Нега деганда, тармоқда пухта ишлаб чиқилган тадбирларнинг изчил амалга оширилаётгани, жумладан, ерлар оптималлаштирилиб, фермер хўжаликлари йириклаштирилгани қишлоқ мулкдорларининг имкониятларини янада кенгайтириб юборди. Уларда замонавий минитехнологиялар асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сут ва гўшт маҳсулотлари, макарон ва яна кўплаб турдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми ошаётганини эса кеча пойтахтимиздаги Маданият ва санъат кўргазма залида очилган кўрик-танлов иштирокчилари маҳсулотлари кўргазмаси яққол кўрсатиб турибди.

Бу ерда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари, енгил саноат ва тўқимачилик товарлари, қурилиш ва ҳунармандчилик буюмлари намойиш этилаяпти. Улар кўрик-танловнинг 6 мингга яқин қатнашчилари орасидан сараланиб, туман (шаҳар), вилоят босқичларида ғолиб бўлган 41 нафар тадбиркор, фермер ва ҳунарманд томонидан таклиф этилмоқда. Эътиборлиси, маҳсулотларнинг бари сифат кўрсаткичлари, ҳатто, қадоқланиши жиҳатидан хорижникидан асло қолишмайди.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Биз Паркент туманидаги "Sunny Raisins" фирмаси фаолияти билан қизиқдик. Маълум бўлишича, ушбу фирмада юртимизнинг ширин-шакар мева-чевалари ва сабзавот маҳсулотлари Италия ҳамда Венгрия технологиялари асосида қуритилаётгани боис уларга хорижда талаб тобора ортиб бораётир. 2007 йилда 4800 тонна, 2008 йилда 5050 тонна маҳсулот дунёнинг 15 дан ортиқ давлатларига экспорт қилингани бунга мисол бўла олади.

Ҳозирги кунда бу фирмада 85 киши меҳнат қилмоқда. Жорий йилда улар бу борадаги кўрсаткични 8900 тоннага етказишга бел боғлаган. Бугунга қадар эса буюртмаларнинг 40 фоизи бажарилди.

Намангандаги "Замин Туркистон" масъулияти чекланган жамиятида олиб борилаётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Ўтган йили бу жамоага 330 миллион сўм эвазига Германия, Италия ва Туркиянинг замонавий бичиш-тикиш ускуналари келтирилиб, ишлаб чиқариш модернизация қилинган эди. Пировардида ишчилар сони 40 нафарга етди. Чарм буюмлари, аёллар либослари ишлаб чиқариш имконияти вужудга келди. Энг муҳими, асосий маҳсулот — эркаклар костюм-шимига чет элдан катта миқдорда буюртма олинди.

Жиззахдаги "Замонавий полимер қувур" корхонаси эса Хитой давлатининг 300 минг АҚШ доллари миқдоридаги сармояси ҳисобига ташкил этилган. Жамоада диаметри 25 дан 500 миллиметргача бўлган сув, газ ва канализация қувурлари ишлаб чиқарилади. Бошқарув раиси Ғайрат Сайдиевнинг айтишича, жорий йилда плёнкалар, полиэтилен қоплар тайёрлаш ҳам ўзлаштирилади. Шу мақсадда Россия ва Хитойдан замонавий линия олиб келинди. Улар ишга туширилгач, 15 та янги иш ўрни очилади.

Бундай ижобий натижаларга Қашқадарё вилояти, Миришкор туманидаги "Сафар ота" фермер хўжалиги фаолияти билан танишиш асносида ҳам гувоҳ бўлдик.

2000 йили 27 гектар ерда иш бошлаган бу жамоа бугун 128 гектар экин майдонида деҳқончилик қилмоқда. Яна 110 бош қорамоли мавжуд. Паррандачилик ва асаларичилик ҳам йўлга қўйилган. Ўтган йили 30 тонна сут, 50 центнер гўшт етиштирилиб, буюртмачиларга етказиб берилди.

— Бу йил фаолиятимизни кенгайтириб, кичик ғишт заводини ишга туширмоқчимиз, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Сафаров. — Дастлабки хош ашёдан иккита кам таъминланган оилага уй қуриб беришни, қолаверса, маҳалла гузарини бунёд этишни дилимга тукканман. Қишлоғимиздаги 3 километрлик йўлни таъмирлаш ишларини эса аллақачон бошлаб юборганмиз. Буларнинг ҳаммасига биз ўзимизга яратиб берилаётган имкониятлардан фойдаланиб эришаяпмизки, бунинг учун Президентимизга қуллуқ қиламиз.

Ҳунармандлар бурчагидаги санъат асари даражасидаги буюмларни кўрган кишининг, айниқса, қулфи-дили очилиб кетади. Зеро, бир ҳунарманднинг маҳсулоти иккинчисини асло такрорламайди, ҳар қайсисини гўё мўъжиза дейсиз.

— Ҳар бир воҳанинг ўз мактаби бор, — дейди фарғоналик кандакор Зокиржон Ғофуров. — Бу мактаб мустақиллик шарофати туфайли қайта тикланиб, тобора шакланмоқда. Шу жараёнда, усталар маҳорати билан янада сайқал топиб, бойиб бормоқда. Бугунги кўргазмага миллий кандакорлик анъаналари асосида яратилган буюмларимиз қўйилган. Уларга, ҳатто, чет давлатлардан кўплаб буюртмалар олаяпмиз.

> Кўриниб турибдики, мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар ана шундай юксак самараларни бериб, иқтисодиётимизнинг барча тармоқлари жадал ривожланишига омил бўлмоқда. Бу, табиийки, ҳайъат аъзолари ишида бирмунча қийинчилик туғдириши турган гап. Шулар ҳисобга олиниб, жорий йилда кўрик-танловнинг "Йилнинг энг яхши тадбиркори", "Йилнинг энг яхши фермери", "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" йўналишлари бўйича ғолибларни аниқлашда янги мезонлар ҳам қўшилди. Ҳайъат аъзолари эса "Иштирокчиларнинг фаолияти билан яқиндан танишиш имкониятини яратиш мақсадида кўргазма икки кун фаолият кўрсатиши айни муддао бўлди", дейишмоқда. Нима ҳам деймиз, Президент совғаси энг-энг яхшиларга насиб этиши керак-да!
>
> **Икром ЎТБОСАРОВ, Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.**

ИСЛОҲОТЛАРДАГИ ИЗЧИЛЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маълумки, мамлакатимизда Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури қабул қилинди. Бугунги кунда барча вилоятларда мазкур дастур ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар бажарилмоқда. Буни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан тузилган ишчи гуруҳларининг Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Сурхондарё, Тошкент ҳамда Қашқадарё вилоятларида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари томонидан олиб борилаётган ишларга доир хулосалари мисолида ҳам кўриш мумкин. Таҳлиллар жараёни шуни кўрсатдики, Юртбошимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат бугун молиявий бўҳроннинг халқимиз турмуши учун салбий таъсиридан ҳимоя воситасини яратди. Айниқса, таназзул "шамоли" кучайган пайтданоқ тегишли чораларнинг кўрилгани бу борада катта аҳамият касб этаётир. Хусусан, Инқирозга қарши чоралар дастури асосида Президентимизнинг 16 та қарори, ҳукуматимизнинг 18 та қарор ва фармойишлари қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш керак. Ялпи мажлисда иштирок этган ҳар бир сенатор мана шу ишлар ўз самарасини бераётгани хусусида тўхталди.

— Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган йўналишларга мувофиқ, Наманган вилоятида ички имкониятларни тўла сафарбар этишга алоҳида эътибор қаратилаяпти, — дейди сенатор Марҳабат Болтабоева. — Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, ҳудуд учун мос технологияларни кенг жорий этиш масаласи барча маҳаллий ҳокимият органларининг диққат марказида турибди. Қилинаётган амалий ишлар боис вилоятдаги "Атлас" акциядорлик жамияти ва "Силк роуд" қўшма корхоналари базасида "Водий ипаги" масъулияти чекланган жамияти, "Косонсой-Текмен" қўшма корхонаси базасида эса "Косонсой тўқимачи" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилган. Улар мутлақо янги мезонлар асосида фаолият юритмоқда. Умуман, вилоятимизда бу йил Дастур ижросини таъминлаш асносида 70 мингдан зиёд қўшимча иш ўринлари яратиш мўлжалланмоқда. Қолаверса, 780 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш, жумладан, уларнинг 107 минг тоннасини қайта ишлаш корхонасига, 18,1 минг тоннасини эса экспортга жўнатиш ҳам вилоят иқтисодининг барқарор ўсишини таъминлайди.

— Бугун дунё оммавий ахборот воситаларида иқтисодий инқироз туфайли юзага келган танг вазиятдан чиқа олмаётган нуфузли корпорациялар охир-оқибат ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлаётгани ҳақида кўп гапирилмоқда, — дейди сенатор Аҳмад Ҳакимов. — Табиийки, булар натижасида дунё бўйича ишсизлар сони кескин тарзда ошиб, аҳолининг ижтимоий аҳволи жиддий тарзда ёмонлашмоқда. Мана шу таҳликали вазиятга қарамасдан, Ўзбекистон ўз иқтисодий ривожланишнинг ўсиш суръатларини сақлаб қолаётгани ва ушбу ҳолат ҳозирги кунда камдан-кам мамлакатларда кузатилаётгани бор гап. Бу натижа, албатта, Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган пухта сиёсат маҳсулидир. Зеро, бугун Инқирозга қарши чоралар дастури қатъийлик билан рўёбга чиқарилмоқда. Сенаторлар томонидан маъқулланган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуннинг мақсади ҳам шунга йўналтирилган. Унга кўра, амалдаги "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг "Устав фондининг миқдори" деб номланган 20-моддасига акциядорлик жамиятларининг устав капитали энг кам миқдори Марказий банкнинг курси бўйича эквиваленти камида 400 минг АҚШ долларига тенг миқдордаги суммада бўлишини белгиловчи қоида киритилди. Бу норма инқироз шароитида акциядорлик жамиятларининг имкониятларини янада кенгайтириш, ушбу корхоналарнинг молиявий барқарорлигини ошириш, модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳозлашга хизмат қилади.

Президентимиз 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида Дастур ижросини таъминлашда қатъий назорат амалга оширилиши лозимлигини таъкидлаган эди. Шу маънода Олий Мажлис Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлисида кўрилган масалалар ўз моҳиятига кўра, инқироз шароитида корхоналарнинг барқарор фаолияти учун зарур ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлайди.

Қобил ХИДИРОВ.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Шифо масканидаги хунрезлик

АҚШнинг Шимолий Каролина штати Карфаген шаҳридаги хусусий тиббий марказлардан бири номаълум шахс томонидан ўққа тутилган.

"Fox News" телеканали хабарида келтирилишича, хунрезлик оқибатида олти киши ҳалок бўлган, уч киши тан жароҳати олган. Ҳозир мазкур жиноятни амалга оширганликда гумон қилиниб, бир киши ҳибсга олингани айтилмоқда. Унинг бундай қабиҳликка нима сабабдан қўл ургани ҳозирча номаълум.

Суриштирув ишлари давом этмоқда.

Ёнғин келтирган талафот

Маълумки, февраль ойида Австралия жанубида юз берган ёнғин кўплаб талафотларни келтириб чиқарганди.



Дастлабки хабарларда табиий офат оқибатида 209 киши ҳаётдан кўз юмгани, икки мингдан ортиқ уйга ўт кетиб, 7,5 минг киши тураржойидан ажралиб қолгани, бир неча минг квадрат метр майдон эса яроқсиз ҳолга келгани маълум қилинганди. Яқинда мамлакатнинг Виктория штати ҳуқуқ-тартибот идоралари офат келтирган зарарлар тўғрисидаги расмий маълумотни эълон қилди. Унга кўра, "тилсиз ёв" 209 нафар эмас, балки 173 нафар кишининг умрига зомин бўлган.

Полиция академиясига ҳужум

Покистонда қуролланган шахслар мамлакат жанубидаги полиция академиясига ҳужум уюштирди, дея хабар тарқатди «Интерфакс» ахборот агентлиги.

Икки томонлама отишмалар натижасида дастлаб 10 офицер ҳалок бўлгани, яна 50 нафари яраланган маълум қилинганди. Полиция вакиллари эса қурбонлар сони 20 нафардан ортиқ эканлигини айтган ҳолда, мазкур рақам бундан-да ошиши мумкинлигини билдирган.

Ҳозирча мазкур қўпорувчилик ҳаракатини бирорта гуруҳ ўз зиммасига олмаган.

Ҳеч ким жабр кўрмади

Бразилиянинг Парана штати Лондрина шаҳридаги уйлардан бирининг устига унчалик катта бўлмаган самолёт қулаб тушди.



Хабарларга қараганда, мазкур ҳаво лайнери маҳаллий ёнғин хавфсизлиги хизматига тегишлидир. Гарчи у бинога зарб билан урилиб, жиддий зарар кўрган бўлса-да, экипаж аъзолари омон қолган. Шунингдек, самолёт қулаб тушган уйда яшовчиларнинг ҳеч бири жабр кўрмаганлиги айтилмоқда.

Энг қиммат кўйлак

Малайзиялик дизайнер Файсол Абдулла дунёдаги энг қимматбаҳо кўйлак яратишга киришди.

Маълум бўлишича, мазкур либос 751 та жавоҳир билан безатилиши кўзда тутилмоқда. Абдулла бу маҳсулотини кейинги ойда мамлакат пойтахтида ўтадиган "STYLO Fashion" фестивалида намойиш қилмоқчи. Ҳозирданоқ кўйлакка "STYLO" компанияси раҳбари Нэнси Йео харидор бўлиб турибди. Дизайнер унинг баҳоси 30 миллион АҚШ долларига тенг бўлишини билдирган.

Стадиондаги фожиа

Кот-д`Ивуар пойтахти Абиджон шаҳридаги марказий стадионга кириш жойида юзага келган ур-йиқит кўнгилсизликка сабаб бўлди.



Мазкур спорт иншооти ўз бағрига 45 минг мухлисни сиғдира олади. Аммо ташкилотчилар жаҳон чемпионати саралаш баҳслари доирасидаги Кот-д`Ивуар ва Малави терма жамоалари ўртасидаги учрашув учун белгиланганидан ортиқча чипта чиқариб сотишган. Натижада кириш йўлакларидан бирида юзага келган тирбандлик туфайли 22 нафар футбол мухлиси ҳалок бўлган, 130 нафари турли даражада тан жароҳати олган. Шунга қарамай, саралаш учрашуви бекор қилинмаган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

жисмоний шахслар учун миллий валютадаги қуйидаги муддатли депозитлар амалга киритилишини маълум қилади:

«НАВБАҲОР»

- **Сақлаш муддати** — *180 кун.*
- **Фоиз ставкаси** — *йилига 18%+5% бонус.*
- **Фоизлар омонат *муддати тугаганидан сўнг капиталлаштирилмаган* ҳолда тўланади.**
- **Омонатларга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.**

«ҚАЛДИРҒОЧ»

- **Сақлаш муддати** — *180 кун.*
- **Фоиз ставкаси** — *йилига 18%+8% бонус.*
- **Фоизлар омонат *муддати тугаганидан сўнг капиталлаштирилмаган* ҳолда тўланади.**
- **Омонатларга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.**

«НИШОНА»

- **Сақлаш муддати** — *45 ва 60 кун.*
- **Фоиз ставкаси** — *йилига 18%+6% бонус.*
- **Фоизлар омонат *муддати тугаганидан сўнг капиталлаштирилмаган* ҳолда тўланади.**
- **Омонатларга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.**

Хизматлар лицензияланган

Жисмоний шахслар учун номинал қиймати 10 минг сўмлик ютуқли омонат сертификатларини тегишли тартибда омонатлар суммасидан камида 10%, 20% ва 30%дан кам бўлмаган миқдорда харид қилиш барча омонатларнинг мажбурий шартидир.

Депозит сертификатлари муддатидан барвақт сўндирилган тақдирда муддатли депозитларни сақлаш муддати мобайнида омонат бўйича бонуслар тўланмайди. Бизга ўз омонатларини бошқаришни ишониб топширган кишиларнинг фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!

Қўшимча маълумотларни 235-42-82, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин.
www.nbu.com

ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯДА

Президентимиз Ислом Каримов 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида назорат қилувчи ва бошқа давлат бошқаруви органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашишларига йўл қўймаслик хусусида тўхталиб, жорий йилда хўжалик юритувчи субъектларни текширишлар сонини камида яна 30 фоизга камайтиришни алоҳида таъкидлади.

Солиқ тизими

Ана шу кўрсатма ва йўл-йўриқлардан келиб чиққан ҳолда, инспекциямизда бу йил ўтказиладиган текширишлар сонини ўтган йилдагига нисбатан 60 фоизга қисқартириш белгилаб олинди. Шу мақсадда биз жойларга чиқиб, тадбиркорлик субъектлари томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган камчиликларнинг олдини олиш учун кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораяпмиз. Зеро, хусусий сектор вакилларининг ўз фаолиятини кенгайтиришга зарур шарт-шароитлар яратилса, тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланса, уларнинг иқтисодиёт ривожига қўшадиган ҳиссаси ошаверади, пировардида янги иш ўринларининг яратилиши ҳисобига одамларнинг даромади ортаверади. Кичик бизнеснинг шаҳар ялпи ҳудудий маҳсулотидаги улуши йил сайин кўпаяётгани, бунинг ёрқин далилидир.


М. АНОРБОЕВА,
Олмалиқ шаҳар Давлат солиқ инспекцияси ходими.


«Росагропромснаб» МЧЖ

ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

- **УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ**
- **5 ^{3} в/ч дан 500 ^{3} в/ч гача БЎЛГАН ГАЗТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАР**
- **ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ ГАЗ БОСИМИ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ**
- **ПЗК фильтрлари, ИЗО муфталари**





Маҳсулот сертификатланган.

Тел./факс: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.
Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мавзеси, Ц даҳаси, 6-уй. Мўлжал — «Шуҳрат» дўкони жойлашган чорраҳа.

Ноширлик

Ахборот-кутубхона технологияларига бағишланган "Kutubxona.Uz" илмий-амалий журналининг илк сони нашрдан чиқди. Унинг муассиси — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигидир.

«KUTUBXONA.UZ» ЖУРНАЛИНИНГ ИЛК СОНИ

Кутубхоначилик соҳасига оид журналнинг илк сонидан мамлакатимизда ахборот-кутубхона соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларга бағишланган мақолалар кенг ўрин олган, бу борада миллий ва хорижий ахборот-кутубхона муассасаларининг иш тажрибасига бағишланган маълумотлар келтирилган.

Янги нашрда кутубхоналар, янги китоблар, ахборот ҳамжамияти, жамғармалар ва коллекциялар тўғрисидаги мақолалар билан ҳам танишиш мумкин. Шунингдек, таълим ва касб-ҳунар, халқаро алоқаларга бағишланган мақолалар ранг-баранг суратлар билан бойитилган.

Мамлакатимиз бош кутубхонасининг ташкил топиш тарихи, ютуқлари ва истиқболи тўғрисидаги мақола ҳам ўқувчиларда қизиқиш уйғотиши табиий.

Ушбу журнал ахборот-кутубхона иши, архив соҳасида фаолият юритувчилар, тадқиқотчилар, умуман, кенг китобхонлар оммаси ва ахборот-кутубхоналар ҳаёти билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

Ахборот-коммуникация технологиялари оламининг кутубхона, архив, китоб нашриётларига бағишланган мазкур илмий-амалий журнал бир йилда тўрт маротаба чоп этилади.


В. НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).



Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН



замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- **«АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);**
- **«АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);**
- **«УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача).**
- **«УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача).**
- **«УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).**

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 232-21-22, 236-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР
ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ
КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ "КЧМ"

РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%

а также:

Товар сертифицирован. Форма оплаты-любая

КАФЕЛЬ
(облицовочный и напольный)
САНТЕХНИКА
(унитазы , умывальники в большом ассортименте)
ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ

Тел.: 333-71-55, факс: 267-35-73
Торговый магазин: ул. Уста Ширин, 125 внутри строительного рынка № 127
zakamsk-group@mail.ru



Завод TTEMZ изготавливает и реализует:

КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А

предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

- максимальная грузоподъемность – 8 т
- максимальная длина стрелы – 30 м (с кареткой)
- максимальная высота подъема гор. – 41,5 м, наклонно – 57,5 м



АВТОКРАНЫ:

для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах



КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ
- максимальная грузоподъемность – 14 т
- максимальная высота подъема – 14,5 м

КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
- максимальная грузоподъемность – 16 т
- максимальная высота подъема – 22 м

КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ
- максимальная грузоподъемность – 25 т
- максимальная высота подъема – 29 м (с гуськом)

ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66.
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ *«Тез пул ўтказиш» хизмати* *Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг!* ТЕЛ.: 237-21-93, 237-16-24. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ

ЎЗБЕКИСТОН ХОРИЖИЙ ОАВ САҲИФАЛАРИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бундан ташқари, мақолада бугунги кунда мамлакатимизда амал қилаётган солиқ сиёсати, юртимиздаги сармоявий муҳит, хорижий инвесторлар учун яратилган имтиёз ва афзалликлар, Ўзбекистоннинг жуғрофий жойлашуви, хом ашё базаси ва мамлакат иқтисодиётининг бошқа тармоқлари ҳақидаги маълумотлар ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола этилади.

Покистоннинг **«Business Recorder»** газетаси ўз мақоласини Ўзбекистон иқтисодий ривожланишининг 2008 йил якунларига бағишлади. «Ўзбекистон барқарор тараққиёт суръатини сақлаб қолиб, саноат маҳсулотлари ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш эвазига иқтисодий ўсиш 9 фоизга етди», деб ёзади нашр.

Давлат бюджети профицит билан бажарилгани, инфляциянинг кўзда тутилган кўрсаткичлардан ошмаганини қайд этар экан, нашр Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) Ўзбекистондаги изчил пул сиёсати ҳамда тузилмавий ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётганини юқори баҳолаганига эътибор қаратади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистонга таъсири хусусида гапириб, нашр мамлакатда унинг олдини олиш мақсадида иқтисодиётнинг асосий секторларини қўллаб-қувватлаш, банкларнинг капиталлашувини ошириш, саноат ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда янги иш ўринларини яратишга мўлжалланган махсус дастур қабул қилинганини таъкидлайди.

Эронннинг инглиз тилида нашр этиладиган етакчи газеталари — **«Tehran Times»** ўз саҳифаларидан Ўзбекистоннинг Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этилишига бағишланган мақолага жой ажратган.

«Ўзбекистон Президентининг «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди, — дейилади нашрда. — Ушбу ҳужжатга асосан, мазкур зонанинг фаолият кўрсатиш муддати 30 йилни ташкил этиб, бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин.

Ушбу зона ҳудудида алоҳида божхона, валюта ва солиқ режимлари, Ўзбекистон Республикаси норезидент фуқароларининг унинг ҳудудига кириш, ҳудудда бўлиш ва чиқиб кетишнинг, шунингдек, улар томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун соддалаштирилган тартиб жорий этилади».

Шу билан бирга, газета Фармон тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 3 миллиондан 10 миллион еврогача бўлган тақдирда 7 йилгача, 10 миллиондан 30 миллион еврогача 10 йилга — кейинги беш йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми 50 фоиз миқдорида белгиланган ҳолда, 30 миллион евродан ортиқ бўлганда эса 15 йилга — кейинги ўн йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми 50 фоиз миқдорида белгиланган ҳолда, ер, мулк, даромад, ободончилик ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиқлари, ягона солиқ тўлови, Республика йўл жамғармаси ва Республика мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий тўловлардан озод этишига эътибор қаратади.

Мақолада «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси Навоий вилоятининг Кармана туманидаги «Дўстлик» агрофирмаси ҳудудида 500 гектар майдонни эгаллаши таъкидланади. Шунингдек, мазкур майдон Навоий шаҳар автомобиль магистралидан 800 метр, аэропортнинг юк терминалидан 1,8 километр масофада жойлашгани, халқаро аҳамиятга молик темир йўл билан боғланганлиги қайд этилади.

Абу-Даби (БАА) ҳукуматининг нашри бўлган **«Ал-Зафра»** ойлик журналида «Ўзбекистондаги қашқадарёлик араблар» сарлавҳаси остида журналист Аммар ал-Санжарийнинг мақоласи чоп этилди. Муаллиф мамлакатимизда бўлиб, бу ерда истиқомат қилаётган арабларнинг ўтмиш ва ҳозирги кундаги ҳаётини бевосита ўрганиш имкониятига эга бўлган.

«Асрлар давомида Ўзбекистон замини кўплаб миллат ва элатларнинг ватани бўлиб келмоқда, — деб ёзади журналист. — Уларнинг ҳар бири мамлакат ҳаётида алоҳида ўрин тутиб, унинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиб келади, Ўзбекистон маданияти ва санъатини беқиёс хусусиятлар билан тўлдиради. Ўзбекистон ҳудудида кўп асрлардан буён яшаб келаётган миллатлардан бири араблардир.

Улар ҳозирда араб дунёсидан ташқарида бўлган, аммо арабларнинг юрагидан ўчмас ўрин олган турли шаҳар ва минтақаларда ўз тарихига эга бўлган. Ана шундай жойлардан бири, бу — Ўзбекистоннинг Қашқадарё вилоятида жойлашган Жейнов қишлоғи. Бу ерда 13 мингдан зиёд этник араблар ўз маданияти, урф-одатлари, тили, либосларини сақлаб қолган ҳолда яшаб келмоқда. Қишлоқ кўплаб шарқшунос олимларнинг эътиборини ўзига жалб қилган».

Арабларнинг бугунги Ўзбекистон ҳудудида пайдо бўлиш тарихи ҳақида сўз юритиб, муаллиф шарқшунос олимларнинг қатор тахминларини келтириб ўтади. Улардан бирига кўра, бугунги араблар Бухорода ҳозиргача сақланиб қолган биринчи жоме масжидининг асосчиларидан бири Қутайба бин Муслим ал-Бахилий билан келган арабларнинг авлодларидир.

Яна бир тахминга кўра эса, араблар Шом давлати Амир Темур тасарруфига ўтганидан кейин бу юртларга келиб қолишган. «Бугунги кунда араблар ислом цивилизацияси ривожига ноёб ҳисса қўшган буюк илм ва дин арбоблари билан машҳур бўлган Ўзбекистон тарихи ва замонавий ҳаётининг ажралмас қисмига айланган, — деб ёзади муаллиф. — Тарихдан араблар Зарафшон дарёсининг қуйи қисмларида, Самарқанд шаҳри ва Қоракўл воҳаси оралиғида жойлашган ҳудудда, Амударёнинг қуйи қисмида, Косон, Шеробод каби бошқа йирик шаҳарлардаги ўз маҳаллаларида ва қишлоқ ҳудудларда яшаб келишган».

Хитойнинг **«Lookwe»** газетаси пойтахтимиз Тошкентнинг иқтисодий салоҳиятига бағишланган мақола эълон қилди.

«Тошкент — тарихий ёдгорликлар билан замонавий меъморчилик намуналари гўзал тарзда уйғунлашган мегаполисдир, — деб ёзади нашр. — Тошкентга ташриф буюрганлар доимо шаҳарнинг ўзгача бир муҳити, шаҳар аҳолисининг хушмуомалалиги, меҳмондўстлиги, ноёб маданияти ва албатта, бу ерда меҳнат, турмуш ва ҳордиқ учун яратилган шароитлардан баҳра олади.

Сўнгги йилларда Тошкент ҳақиқий инвестицион платформага айланди. Бу ерда хорижий инвесторлар мамлакатда бизнес юритиш учун яратилган шарт-шароитлар, қонунчилик ва солиқ тизимлари ҳақида барча керакли маълумотни олиш имконига эга.

Бугунги кунда Тошкентда 200 дан зиёд йирик ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритмоқда. Уларнинг маҳсулотларини нафақат Ўзбекистонда, балки чет элда ҳам яхши билишади. Ички ва ташқи инвестициялар ушбу корхоналар ишлаб чиқариш қувватининг мунтазам тарзда янгиланиши, ишлаб чиқариш ва маҳсулот сифатининг замонавий назорат тизимларини жорий этиш имконини бермоқда».

Нашр шаҳарда айни пайтда иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият юритаётган ўн минглаб кичик ва хусусий бизнес корхоналари мавжудлигига эътибор қаратган.

Пойтахтнинг инвестицион жозибадорлиги ҳақида сўз юритиб, «Lookwe», жумладан, бугунги кунда биргина Тошкентда 3160 та қўшма корхона фаолият юритаётганини қайд этади. Пойтахтда ишлаб чиқарилаётган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 60 фоизи ана ўша корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Шаҳарнинг сармоявий кўрсаткичига тўхталиб, нашр Тошкент иқтисодиётига жалб қилинган маблағнинг қарийб 35 фоизини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этиши, 34,7 фоизи — корхоналарнинг хусусий маблағлари, 13,6 фоизи — давлат бюджети маблағлари, 6,8 фоизи — тижорат банклари кредитлари, 10 фоизи эса бошқа тижорат ташкилотларининг кредитларига тўғри келишини таъкидлайди.

«Жаҳон» АА.

Қадрдон Тошкентим

Пойтахтимиздаги Халқаро маданият карвонсаройида «Қадрдон Тошкентим 2200 ёшда» деб номланган болалар расмлари кўргазмаси очилди.

Унда Тошкент шаҳридаги мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган 400 дан ортиқ болажонлар қатнашмоқда. Танловда «Қадрдон Тошкент табиати», «Аҳил оила», «Пойтахт ҳаёти», «Пойтахт архитектураси: кеча ва бугун», «Халқ байрамлари» каби мавзуларда чизилган 170 дан зиёд суратлар намойиш этилаётир.

О. ФАЙЗИЕВ.

Халқимизда асрлардан асрларга ўтиб келаётган нақл бор: шаҳар бедарвоза эмас. Дарвозасиз қолган шаҳарда эса ҳар хил номаъқулчиликлар, бошбошдоқлик, турли хил қонунбузилиш ҳоллари рўй беради. Аҳолининг тинчи бузилади, рўзғорига ташвиш тушади. Шунинг учун ҳам юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг сарҳадларимизнинг тинчлигини, осойишталигини турли хил бузғунчиликлардан асрашга алоҳида эътибор қаратилди.

ЧЕГАРАБУЗАР «ТАДБИРКОРЛАР»

Афсуски, айрим кимсалар қонунларимиз билан кафолатланган чегараларни айланиб ўтишга ҳаракат қилишяпти. Улар турли йўллар билан ноқонуний даромад топишни ният қилганлар. Қўқон шаҳрида истиқомат қилувчи Дилдора Назарова Хитой давлатига бориб тижорат ишлари билан шуғулланмоқчи бўлди. Ҳалоли бўлсин. Негаки, бизда ҳалол тадбиркорлик учун ҳамма қонун эшиклари очиқ. Лекин Фарғона аэропортида бу тадбиркор ҳеч бир маблағсиз хорижга отланганлиги божхоначилар эътиборини тортди. Кейинчалик бу сир ошкор бўлди-қолди. У белидаги ҳуфёна нимчага 10 минг доллар пулни яшириб олган экан. Ана холос?! Агар шу пул қонуний йўл билан ҳужжатлаштирилганда олғир тадбиркор бугун қонун олдида жавоб бериб ўтирмас эди.

Назорат

Ҳар куни мамлакатимизга юзлаб-минглаб меҳмонлар келиб кетади. Уларга ҳар доим бағримиз очиқ. Афсуски, қўшни Тожикистоннинг Конибодом шаҳрида истиқомат қилувчи Марямхон Эрматова нимагадир тилла буюмларни эгни остига яшириб олиб ўтаётган экан. Албатта, энди у бу хатти-ҳаракати учун қонун олдида жавоб беришига тўғри келади.

Баъзи бир ишбилармонлар мамлакатимиздаги стандартлаш талабларига жавоб бермайдиган сифатсиз маҳсулотларни ҳам чегарани айланиб ўтиб, олиб киришга ҳаракат қилишади. Азизжон Алмўминов бошқарувидаги "Газ-24" автомашинаси тўхтатилганда, салонда 12 турдаги канцелярия маҳсулотлари борлиги аниқланди. Ҳеч қандай тасдиқловчи ҳужжати йўқ бу маҳсулотлар асосан мактаб ўқувчилари учун мўлжалланганлиги бизда жиддий ташвиш туғдиряпти. Чунки ўта сифатсиз, боз устига сертификати йўқ, рангсиз қоғозлар, қандайдир ҳидлар анқиб турган чармдан тайёрланган маҳсулотлар ўқувчилар қўлига етиб борса, қандай таъсир кўрсатади. Бу ҳақда Азизжон ўйлаб кўрганмикин?!

Таассуфлар бўлсинки, худди шундай воқеалар вилоят сарҳадларида тез-тез рўй бериб турибди. Фарғона туманида истиқомат қилувчи Эгамберди Муродов 8 миллион сўмлик шундай ноқонуний канцелярия маҳсулотларини "Зил-130" автомашинасига ортиб, чегарани бузиб ўтаётганда божхоначилар томонидан ушлаб қолинди. "Бўрбалиқ" божхона пости назоратчилари эса Абдулҳамид Аҳмедовга қарашли юк автомашинасига ортилган 11,5 миллион сўмлик ҳужжатсиз, боз устига ўта сифатсиз маҳсулотларни ушлаб қолишга эришдилар.

Чегара ҳудудларига яқин қишлоқларда истиқомат қилувчи айрим уйлар ва ҳовлилар ноқонуний маҳсулотлар сақланадиган "омбор"га айланиб қоляпти. Яқинда божхона, чегара, ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати ходимлари шартли равишда "Ўпқон" деб аталган тадбир ўтказишди. Ҳақиқатан ҳам, бу ном беҳудага танланмаган экан. Баъзи бир юртдошларимизнинг фақат уйларигина эмас, виждонлари ҳам ўпқонга айланиб кетибди. Бўлмаса Бешариқ туманининг Андархон қишлоғида истиқомат қилувчи Сорахон Ҳамдамова, шу туманнинг Янгибахмал қишлоғи фуқароси Ғанижон Ҳайдаровнинг бири 5,5 миллион сўмлик турли хил товарларни, иккинчиси эса 10 тоннага яқин сифатсиз ўсимлик ёғини уйида сақлармиди?! Андархон қишлоғилик яна бир фуқаро Собиржон Отаназаровнинг қилмиши эса бошқалардан анча ўтиб тушди. У хонадонида қўшни Тожикистонга ноқонуний йўллар билан ўтказиш учун полиэтилен қопларга жойланган 15 тонна қизил ловияни тайёрлаб қўйган экан.

Риштон туманилик Мақсудахон Юнусова 46 қоп гуручни юртимиздан ташқаридаги харидорларга пулламоқчи бўлиб турганида сезгир божхоначилар томонидан қўлга олинди. Фарғона туманининг Гулшан қишлоғи Қирғизистон ҳудудига девор-дармиён жойлашган. Худди шу ҳудудда божхоначилар Абдуғаффор Абдужалилов бошқарувидаги "КамАЗ" автомашинасини тўхтатишади. Унинг юкхонасида оз эмас, кўп эмас — 3125 дона қорамол териси борлиги ошкор бўлиб қолди. Ҳужжати йўқ бу маҳсулотнинг бозор нархи 60 миллион сўмдан ортиқ экан. Энди бу ноқонуний хом ашё қаердан, ким томонидан бу манзилларга жўнатилганлигини қилни-қирқ ёрадиган терговчилар аниқлаб беришади.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

Ўтган шанба куни пойтахтимиздаги "Пахтакор" стадионида 2010 йилда бўладиган жаҳон чемпионати ҳал қилувчи тўртинчи саралаш босқичининг олтинчи тур учрашуви бўлиб ўтди. Унда "А" гуруҳидан жой олган Ўзбекистон — Қатар терма жамоалари майдонга тушдилар.

БИЗНИ СОҒИНТИРГАН ҒАЛАБА



Рашид ҒАЛИЕВ олган сурат.

Шу куни стадионга тўпланган мухлислар, уларга мамлакатимизнинг барча ҳудудларида туриб қўшилган миллионлаб ишқибозлар Ўзбекистон терма жамоасидан фақат ғалаба кутиб туришганди. Бунинг учун асослар етарли эди. Чунки футболчиларимиз ушбу босқични кўнгилдагидек ўтказа олмаётган, ҳозиргача бир очко билан гуруҳда сўнгги ўринда бораётганди.

Учрашувдан олдин терма жамоамиз ички чемпионат тақвимининг зичлиги туфайли ўртоқлик учрашуви ўтказа олмади. Қатар термаси эса иккита ўртоқлик беллашувида майдонга тушиб, Кувайтни 1:0, Сурияни эса 2:1 ҳисобида мағлуб этган ҳолда юртимизга кўтаринки кайфиятда ташриф буюрди.

Терма жамоамиз бош мураббийи Миржалол Қосимов таркибга аввалги ўйинга нисбатан бир қатор ўзгаришларни киритди. Жумладан, Максим Шацких, Сервер Жепаров, Виктор Карпенко сингари халқаро майдонларда тобланган тажрибали ўйинчиларга таянган ҳолда, асосан ёшларга ишонч билдирилди. Бундан ташқари, олдинги учрашувлардан фарқли ўлароқ, дастлабки дақиқалардан бошлаб, икки ҳужумчи майдонда ҳаракат қилди.

Ўйинни бевосита стадиондан кузатиб шунга амин бўлдикки, ғалабага чанқоқ ёшларнинг майдонга чиқиши терма жамоамиз ўйинини кучайтиришга хизмат қилди. Қолаверса, уларнинг ҳамжиҳат бўлиб тўп суриши устунлик футболчиларимиз томонига ўтишини таъминлади. Аниқки, шу куни омад ҳам биз томонда бўлди. Дастлабки дақиқалардан кетма-кет ҳужумлар босими Қатар терма жамоасини анча шошириб қўйди.

31-дақиқага келиб ўйин натижасига бевосита таъсирини ўтказган воқеа юз берди. Меҳмонлар ҳимоячиси Билол Ражаб тўп учун курашда Сервер Жепаровга нисбатан жуда қўпол ўйнади. Учрашув бош ҳаками уни майдондан четлатди.

Сервер Жепаровга тиббий ёрдам кўрсатилаётган вазиятда бурчак тўпини Жасур Ҳасанов амалга оширди. Унинг жарима майдонига оширган тўпини дарвозабон ушлаб қола олмади, аммо йўналишини ўзгартирган тўп Фарҳод Тожиевга келиб тушди. Ҳужумчимиз эса яқин масофадан боши билан уни дарвозага жойлаб ҳисобни очди —1:0.

Биринчи бўлимга қўшиб берилган уч дақиқанинг сўнггисида эса ҳамюртларимиз чиройли ҳужум уюштириб ҳисобдаги фарқни оширишди. Майдон марказида тўпни эгаллаб олган Жепаров уни тезлик билан чап қанотда ҳаракатланаётган Ҳасановга оширди. Ўз таъқибчиси Муҳаммад Мусодан ҳар томонлама устунликка эриша олган Жасур тўпни ҳаволатиб жарима майдонига оширди. Фарҳод Тожиев эса ўн бир метрлик нуқта ҳудудидан баланд сакраган ҳолда боши билан зарба бериб, рақиблар дарвозабонини доғда қолдирди — 2:0.

Иккинчи бўлимда ҳам футболчиларимиз ўйин суръатини пасайтирмадилар. Жароҳат олган Сервер Жепаровнинг ўрнига майдонга тушган Тимур Копадзе 53-дақиқада Фарҳод Тожиевни яна қулай вазиятга чиқарди. Фарҳод бу сафар ҳам боши билан зарба бериб, чиройли гол киритди — 3:0.

Тўртинчи голни ҳам узоқ кутмадик. Анвар Ғофуровнинг ўнг қанотдан жарима майдонига оширган тўпига ҳимоячи ҳам, дарвозабон ҳам улгурмади. Майдонга эндигина тушган Анвар Солиев эса уни боши билан дарвозага йўллади — 4:0.

Бу ғалаба билан Ўзбекистон терма жамоаси турнир жадвалидаги мавқеини, бироз бўлсада, яхшилаб олди. Баҳрайн термаси Япониядан кичик ҳисобда (0:1) мағлубиятга учраганидан сўнг ҳамюртларимиз учинчи ўринга кўтарилишди.

Учрашув якунига бағишланган матбуот анжуманида Қатар терма жамоаси бош мураббийи **Бруно Мэтсью** рақиблари хақли равишда ғалаба қозонганлигини алоҳида таъкидлади:

— Шогирдларимга Ўзбекистон фақат ғалаба учун ҳаракат қилиши, улар томонидан уюштириладиган прессинг ҳолатларига тайёр туришни уқтиргандим. Афсуски, бу вазифани уддалай олишмади. Энди плей-оффга чиқиш учун — Ўзбекистон, Баҳрайн, Қатар (4 очкодан) терма жамоаларида имконият пайдо бўлди.

— Тўғриси, қатор муваффақиятсизликлардан сўнг стадионга бунчалик ишқибоз келишини кутмагандик, — дейди Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи **Миржалол Қосимов**. *— Биринчи навбатда, мухлисларга миннатдорлик билдирмоқчиман. Австралия билан бўладиган ўйинда уларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз. Ўйин олдидан таркибимизга Анзур Исмоилов қўшилди, бошқа ўзгаришлар йўқ.*

Учрашувни кузатиш учун стадионга келган "Бунёдкор"нинг бразилиялик легионери Ривалдо билан ҳам қисқача мулоқотда бўлдик:

— Бугунги ўйин бутун мамлакатингиз учун катта ютуқ бўлди,— дейди **Ривалдо.** *— Футбол — жамоавий ўйин. Жамоанинг ҳар бир аъзоси яхши ўйин намойиш этганлиги сабабли уларни мухлислар олқишлаб туришди. Айниқса, Фарҳод Тожиев, Жасур Ҳасанов, Саҳоб Жўраев, Ислом Тўхтахўжаев, Станислав Андреев фаол ҳаракат қилишди. Эртага Австралияга қарши кечадиган ўйинда ҳам шу ҳамжиҳатлик йўқолмаса, албатта, кутилган натижага эришиш мумкин.*

Гуруҳдаги навбатдаги тур учрашувлари 1 апрелда ўтказилади. Шу куни Австралия — Ўзбекистон, Баҳрайн — Қатар терма жамоалари ўзаро учрашадилар.

Эътибор қилинг, Австралия термаси тўрт ўйинда битта ҳам тўп ўтказмабди. Орзуга айб йўқ, уларнинг дарвозасини бизнинг футболчиларимиз забт этса ажаб эмас.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«А» гуруҳида олтинчи турдан кейинги вазият:

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
Япония	5	3	2	0	8—3	11
Австралия	4	3	1	0	6—0	10
Ўзбекистон	5	1	1	3	5—6	4
Баҳрайн	5	1	1	3	4—6	4
Қатар	5	1	1	3	4—12	4

Умумтаълим мактаблари

Учинчи босқичга старт берилди

ўқувчилари ўртасидаги "Умид ниҳоллари — 2009" спорт ўйинларининг республика финал беллашувларига жорий йил Сирдарё вилояти мезбонлик қилади.

Кеча Нукусда мазкур спорт ўйинларининг учинчи босқичига старт берилди. Унда туман ва шаҳар босқичларида ғолиб чиққан ёшлар спортнинг 12 тури бўйича ўзаро куч синашишмоқда.

Мусобақа якунида муваффақият қозонган 128 нафар спортчи финал босқичида Қорақалпоғистон шарафини ҳимоя қилади.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОБ-ҲАВО

(31 март)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 3-8 даража илиқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 3-8 даража илиқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 3-8 даража илиқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 3-8 даража илиқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Тунда 5-10 даража илиқ, кундузи 21-26 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 3-8 даража илиқ, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 6-8 даража илиқ, кундузи 21-23 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MOLIYA VAZIRLIGI AXBOROT-HISOBLASH MARKAZI» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

КОРХОНАНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИДАН ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танловда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган, устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказишга рухсат берилган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига киритилган аудиторлик ташкилотлари қатнашиши мумкин.

Танловда иштирок этиши мумкин бўлган аудиторлик ташкилотлари буюртманома билан илова қилинган ҳужжатларни муҳрланган конвертларда 2009 йил 15 апрель куни соат 18.00 гача қуйидаги манзилга топширишлари ёки почта орқали юборишлари лозим: Тошкент ш., 100017, Истиқлол к., 29-уй (Молия вазирлиги Ғазначилик биноси).

Қўшимча маълумот олиш учун 239-15-61 телефони ёки 232-69-58 факси орқали Икром Абдулқодировга мурожаат этиш мумкин.

TURONIMPEKS SERVIS

VOLVO корпорациясининг расмий вакили

сизга Volvo русумидаги замонавий юк автомобиллари, қурилиш техникалари ва уларга эҳтиёт қисмларни буюртма асосида етказиб беришни таклиф этади.



Манзилимиз: 100000, Тошкент ш., Ниёзбек йўли к., 1-уй.
Тел.: +998 71 120-66-20. Факс: +998 71 120-66-30. E-mail: volvotruckuz@buzton.com

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети жамоаси университетнинг собиқ катта ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи

Шоанвар Шоғиёсович ИСМОИЛОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

"O'zagrosug'urta" давлат акциядорлик суғурта компанияси бошқаруви жамоаси бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Ботиржон Ҳамидовга турмуш ўртоғи

Машҳура ҲАМИДОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети жамоаси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи, академик

Омон Ҳикматович ҲИКМАТОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби жамоаси Хореография санъати факультети декани Анвар Қирғизовга волидаи муҳтарамаси

КАРОМАТ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Давлат тижорат Халқ банки жамоаси банк бошқаруви раисининг ўринбосари Худойназар Қурбоновга волидаи муҳтарамаси

ҲАЙИТХОН аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ *Барча турдаги коммунал хизматлари тўловларини қабул қилади* *Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг!* ТЕЛ.: 233-57-47. ФАКС: 236-09-21. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 53053 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — С. Раҳмонов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошҳўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.00 Топширилди — 02.20

7